



Ислом Тараққиёт Банки (ИТБ) аъзоси бўлмиш Хусусий Секторни Ривожлантириш бўйича Ислом Корпорацияси (ХСРИК) маблағлари ҳисобидан лойиҳаларни лизинг асосида молиялаштириш шартлари:

- **Молиялаштириш қиймати** – 300 000 АҚШ доллари дан 2 000 000 АҚШ доллари миқдоригача;
- **Муддати** – 5 йилгача;
- **Лизинг устамаси миқдори** – 9% йиллик (қатъий ўрнатилган устама);
- **Лойиҳани кўриб чиқиш тўлови** – молиялаштириш қийматининг 1,5% миқдорида + ҚҚС 15% (*1,73% ҚҚС ҳисоби билан*);
- **Бўнак тўлови** – Бир ойлик лизинг тўлови (*якуний лизинг жадвали тасдиқлангандан сўнг бўнак тўлов миқдори қўшимча ҳисобланади*);
- **Гаров** – молиялаштириш қийматининг 50% дан кам бўлмаган миқдорда;
- **Оралик тўлов ҳисоблаш шarti** – Ускуна етказиб берувчига тўлов амалга оширилган кундан бошлаб, фойдаланишга топшириш даврига қадар 9% устама ҳисобидан ҳисоблаб борилади ва лизинг тўлови жадвалининг асосий танига қўшилади. Якуний лизинг жадвали қўшимча шартнома билан тасдиқланади.

Мисол:

Ускуна нархи: 300 000 АҚШ доллари

Тўлов тури: 100% олдиндан тўлов ёки 100% аккредитив

Етказилиш муддати: 60 кун

Ўрнатиш ва монтаж ишлари: 30 кун

Жаъми оралик муддат: 90 кун

Оралик тўлов ҳисоблаш формуласи:

$300\,000 \times 9\% / 365 \times 90 \text{ кун} = 6\,657,30 \text{ АҚШ доллари}$

$300\,000 + 6\,657,30 = \underline{\underline{306\,657,30 \text{ АҚШ доллари (лизинг асосий тани)}}$

- **Лизинголувчи ҳисобидан қопланиши керак бўлган тўловлар** – барча банк харажатлари, божхона тўловлари, нотариал харажатлар, ускунани расмийлаштириш харажатлари, гаров/лизинг объекти суғурта тўловлари;
- **Бошқа шартлар** – «Яшил» иқтисодиётни молиялаштириш, атроф муҳитни зарарлантириш омилларини камайтириш, ҳамда, аёллар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлашга қаратилган лойиҳалар устувор саналади.